


# ГЛОБАЛ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МУҲИМ МАЙДОН БЎЛГАН САММИТ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг таклифига биноан 3-4 ноябрь кунлари Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 4 ноябрь куни Доҳа шаҳрида ўтаётган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида иштирок этди.

Анжуман ишида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш, Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, БМТ Бош Ассамблеяси Раиси Анналена Бербок, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши раиси Лок Баҳодир Таҳпа, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашди.

Президентимиз сўзининг аввалида форумга юксак даражада тайёргарлик

қўрилгани учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдириб, глобал ижтимоий тараққиёт учун муҳим майдон бўлган саммит айнан Доҳа шаҳрида ўтказилаётгани катта рамзий маънога эга эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Қатар ижтимоий инклюзивлик ва жадал тараққиёт марказига айланиб бораётганини таъкидлаб, ушбу мамлакат халқини эришилган муваффақиятлар билан самимий таъбриклади.

Президентимиз бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ва миллий ҳукуматлар ижтимоий фаровонлиқни таъминлаш ҳамда

аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлида биргаликда ҳаракат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон, ўз навбатида, барқарор тараққиётга эришишга қаратилган халқаро ҳамкорлиқнинг барча форматлари ва ташаббусларини доим қўллаб-қувватлайди.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган тамойил устувор бўлган, ижтимоий адолат таъминланган, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари самарали ҳимоя қилинган ижтимоий давлат барпо этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА ИККИНЧИ БУТУНЖАҲОН САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Раис Хоним Олиялари! Ҳурматли Бош котиб Жаноби Олийлари! Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари! Қадрли биродарим, Қатар Амири Шайх Тамим Ол Соний Аъло Ҳазратларига Бутунжаҳон саммитини юксак даражада ташкил этаётганлари ва самимий меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Жаноби Олийларига ушбу анжумани ўтказишдаги улкан шахсий ҳиссаси учун алоҳида ташаккур билдираман.

Глобал ижтимоий тараққиёт учун муҳим платформа бўлган саммитнинг айнан Доҳа шаҳрида ўтказилаётгани катта рамзий маънога эга.

Қатар Давлати сўнгги йилларда ижтимоий инклюзивлик ва жадал тараққиётнинг глобал марказига айланмоқда. Бундай оламшумул ютуқлар билан Қатар халқини чин дилдан таъбриқлайман.

Бугунги кунда ижтимоий фаровонлиқни таъминлаш, аҳоли турмушини яхшилаш борасида дунё ҳамжамияти ва миллий ҳукуматлар биргаликда ҳаракат қилаётгани эътиборга моликдир.

Ўзбекистон барқарор тараққиёт сари барча халқаро ҳамкорлик форматлари ва ташаббусларини доим қўллаб-қувватлайди.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Биз кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган тамойил устувор бўлган, ижтимоий адолат таъминланган, эҳтиёжманд аҳоли самарали ҳимоя қилинган жамият барпо этмоқдамиз. Бу йўлдаги қатъий позициямиз янги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилди ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми эълон қилинди.

Аввал тарқоқ бўлган ижтимоий ҳимоя дастурлари ягона тузилма — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги асосида бирлаштирилди. Янги ижтимоий ҳимоя моделимиз жамиятнинг қўйи бўғини бўлган маҳалладан бошлаб, ҳар бир хонадон ва оилани қамраб олмоқда.

Охириги йилларда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартиришга эришдик. Биз бу йўлдаги ислохотларни бундан кейин ҳам давом эттирамиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари! Жаҳонда мураккаб иқтисодий-ижтимоий жараёнлар кечаётган ҳозирги шароитда қўйидаги таклифларни илгари сурмоқчиман.

**Биринчидан, камбағалликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янги bosқичга қўтариш муҳим.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 1 миллиард 100 миллион аҳоли камбағалликда умр кечирмоқда.

Ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий дастурларига ресурсларни кенг жалб этиш мақсадида камбағалликка қарши курашининг янги молиявий архитектурасини яратиш вақти келди деб ҳисоблаймиз.

Бу борада ижтимоий тенгсизликни камайтириш, камбағалликни қисқартиришга амалий ёрдам берадиган Глобал ижтимоий адолат фондини тасис этишни таклиф этамиз.

**Иккинчидан, бандлик масаласини самарали ҳал этишда янги, замонавий механизмларни ишга тушириш долзарб аҳамиятга эга.**

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоботи кўра, 2024 йилда глобал ишсизлик даражаси 5 фоизга ташкил этди. Юқори технологиялар, сунъий интеллектнинг жадал кириб келаётгани дунёда миллионлаб иш ўринларининг йўқотилишига олиб келмоқда.

Бундай шароитда ҳукуматлар ва бизнес ижтимоий ҳамкор сифатида ҳодимларни қўллаб-қувватлашга катта аҳамият бериши зарур. Шу муносабат билан ижтимоий масъулият ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббусни ишлаб чиқиш ҳақидаги таклифимизни маъқуллайсиз деб ишонамиз.

**Учинчидан, барча учун таълим имкониятларини кенгайтириш орқали ижтимоий муаммоларга самарали ечим топиш мумкин.**

Ҳозирги даврда саводсизликнинг йиллик иқтисодий зарари 1,4 триллион АҚШ долларига тенг деб баҳоланмоқда. Бу эса ёш авлодни ижтимоий ҳаёт ва меҳнат бозорига ўз ўрнини топишни қийинлаштирмоқда ҳамда тенгсизликнинг кескин ўсишига сабаб бўлмоқда.

Биз кеча ўтган Очлик ва қашшоқликка қарши кураш бўйича Глобал альянснинг илк учрашуви қарорларини тўлиқ маъқуллаймиз. Унинг келгуси саммитларидан бирини Ўзбекистонда ўтказишни ва таълим масаласини асосий кун тартиби сифатида белгилашни таклиф қиламиз.

**Тўртинчидан, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини тизимли ҳимоя қилиш зарурати ортиб бормоқда.**

Ҳозирги кунда дунёда 300 миллиондан ортиқ мигрантлар ўзга юртларда меҳнат қилмоқда. Афсуски, уларнинг ҳақ-хуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар кўплаб учрамоқда.

Келгуси йили халқаро меҳнат ва миграция ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистонда Мигрантлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича халқаро форум ўтказиш ва Глобал дастур қабул қилишни таклиф этаман.

**Бешинчидан, барчамиз иқлим ўзгаришининг ижтимоий ҳаётга таъсирини аққол сезиб туришимиз.**

— Охириги йилларда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартиришга эришдик. Биз бу йўлдаги ислохотларни бундан кейин ҳам давом эттирамиз, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари глобал ижтимоий адолат ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлашга қаратилган қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Камбағалликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

— Ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий дастурларига ресурсларни кенг жалб этиш мақсадида камбағалликка қарши курашининг янги молиявий архитектурасини яратиш вақти келди деб ҳисоблаймиз, — деди Президентимиз.

Шу муносабат билан камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий тенгсизликни камайтиришга амалий қўмак берадиган Глобал ижтимоий адолат фондини тасис этиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари бандлик масалаларини самарали ҳал қилиш учун замонавий механизмларни жорий этиш муҳимлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, юқори технологиялар ва сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши дунё бўйлаб миллионлаб иш ўринларининг қисқаришига олиб келмоқда. Бундай шароитда ҳодимларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий шериклик тамойилларини мустаҳкамлаш учун давлат, бизнес ва жамиятнинг фаол ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз “Ижтимоий масъулият ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббус”ни ишлаб чиқиш таклифи қўллаб-қувватланишига умид билдириди.

Барча учун таълим имкониятларини кенгайтириш ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали йўлларида бири экани таъкидланди.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, саводсизликнинг йиллик иқтисодий зарари 1,4 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бу Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларнинг жамиятда ва меҳнат бозорига ўз ўрнини топишни қийинлаштиради, ижтимоий тенгсизликни эса кучайтиради.

Давлатимиз раҳбари куни кеча бўлиб ўтган Очлик ва қашшоқликка қарши курашиш бўйича глобал альянснинг биринчи йиғилишида қабул қилинган қарорларни Ўзбекистон тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Альянснинг бўлажак саммитларидан бирини Ўзбекистонда ўтказиш ва таълим масалаларини кун тартибининг асосий мавзуси этиб белгилаш таклиф қилинди.

Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини тизимли ҳимоя қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилоти билан биргаликда Тошкент шаҳрида мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича халқаро форум ўтказишга ҳамда бу борада Глобал дастур қабул қилишга тайёр.

Президентимиз иқлим ўзгаришининг ижтимоий ҳаётга таъсири тобора кучайиб бораётганини таъкидлади. Экстремал об-ҳаво ҳодисалари, чўлланиш ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, аввало, аҳолининг заиф қатламлари — фермерлар, мавсумий ишчилар, экологик вазияти мураккаб бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи одамлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Иқлим ўзгаришига қарши курашини бандлик дастурлари билан уйғунлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қўриш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон БМТ томонидан экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилинган Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги моделини ишга тушириш ниятида эканини маълум қилиб, мазкур тажрибани жаҳон ҳамжамияти билан бўлишишга тайёргилигини билдирди.

Саммитда қабул қилинган қарорлар бутун дунёдаги миллионлаб одамларга умид бағишлаш, барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлашга катта ҳисса қўлишига ишонч билдирилди.

— Халқаро тараққиёт йўлида ижтимоий келишувни янгиллаш, ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт тарзини яратиш бизнинг асосий бурчимиздир, — деди давлатимиз раҳбари.

Яқунда Ўзбекистон Президенти саммитда қабул қилинган Доҳа сиёсий декларациясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини ва унинг барча тамойилларини ҳаётга таъбиқ этишга тайёргилигини таъкидлади.

Доҳа шаҳрига амалий ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Қатар стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва кўп қиррали амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қатар Амирини Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммити тадбирларининг муваффақиятли ўтказилгани билан самимий таъбриклади.

Турли даражаларда самарали мулоқот ва алмашинувлар олиб борилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 45 фоизга ошди. Қатарнинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Парламентларо ва маданий-гуманитар алоқалар ривожланмоқда.

“Яшил” энергетика, транспорт, геология, тўқимачилик, туризм, инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Давлатига амалий ташрифи яқунланди.

Шайх Ҳамад номидаги халқаро аэропортда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни, муҳофаа вазири Шайх Сауд бин Абдурахмон Ол Соний ва бошқа расмий шахслар кузатиб қўйди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “С5+1” форматидagi саммитида иштирок этиш учун Вашингтон шаҳрига жўнаб кетди.

ЎЗА

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 5 ноябрь куни амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрига келди.

“Эндрюс” авиабазасида давлатимиз раҳбарини АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Кристофер Ландоу, АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 5-6 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Президенти Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп билан учрашди ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “С5+1” форматидagi саммитида иштирок этади.

Тадбирлар дастуридан АҚШ Конгресси ва ҳукумати вакиллари билан

President.uz

# ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРИШ ТАШАББУСЛАРИ ТИНЧЛИҚПАРВАР ВА ФАРОВОНЛИК СИЁСАТИ ҲАЁТИЙЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН



Тафаккур тартиб-тамойилига кўра, сарҳисоб тадрижий шакл касб этиши лозим аслида. Бироқ бугун бу анъанадан бир оз чекиниб, гапни октябрь ойининг учинчи ўн кунлигига Президентимизнинг бевосита иштирокида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида бекиёс муҳим ўрин тутган икки воқеага эътибор қаратишдан бошласак, мантиққа зид бўлмас керак.

Зеро, Самарқанд шаҳри БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференцияси 43-сессиясига мезбонлик қилганини ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифқи ўртасида Кенгайтирилган

шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланишини нафадат октябрь ойи, балки жорий йилнинг энг муҳим воқеалари қаторида эътироф этиш мумкин.

Давоми 3-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МИНТАҚАЛАРАРО АЛОҚАЛАР ДРАЙВЕРИ СИФАТИДА

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташир билан Вашингтон шахрига борди. Вашингтонда давлатимиз раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “С5+1” форматидаги саммитида иштирок этди. Шунингдек, АҚШ Президенти Доналд Трамп, Сенат ва Конгресс вакиллари ҳамда турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.**

2015 йил ноябрь ойида Самарқандда ишга туширилган “С5+1” формати минтақавий тараққиёт, иқтисодий барқарорлик, экология, энергетика ва хавфсизлик масалаларида ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришнинг муҳим механизмига айланди. Унинг асосий мақсади — доимий дипломатик мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, транспорт ва энергетик боғлиқлиқни мустахкамлаш, савдо, бизнес ва гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантиришдир. Ушбу форматнинг биринчи йиғилишида қабул қилинган “Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида”ги қўшма декларация АҚШнинг Марказий Осиё давлатларининг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий

ва Муҳим минераллар бўйича мулоқот (2024 йил февраль) каби ташаббусларнинг ишга туширилиши билан ёдда қолди. Формат доирасида 13 мартаба вазирлар даражасида, 3 мартаба эса юқори даражадаги учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, иқлим, ривожланиш, Афғонистон ва бошқа устувор йўналишлар бўйича махсус форумлар ташкил этилди.

Ўзбекистон “С5+1” форматида фаол ва конструктив позицияни эгаллаб, ўзаро ҳамкорлиқнинг институционаллашуви, чегара хавфсизлигини мустахкамлаш, иқлим ва экологик муаммоларга қарши курашишни фаоллаштириш, савдо, инвестициялар, транспорт ва энергетика йўналишларидаги лойиҳаларни давом

жадаллаштириш (С5+1) каби тақлифлар амалий ҳаётга татбиқ этилди.

Ушбу кўп томонлама ташаббусларнинг амалий натижалари ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Минтақавий ҳамкорликнинг мустахкамланиши янги экспорт йўналишларини очди, инвестициявий жозибадорликни оширди, экспертлар ўртасида билим алмашиш платформаларини яратди, бу эса Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашга хизмат қилди.

**Ўзбекистоннинг “С5+1”даги фаол иштироки АҚШ билан икки томонлама шериклиқни чуқурлаштириш сиёсати билан уйғундир. Ҳамкорлик сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, фан ва маданият каби барча йўналишларда жадал ривожланмоқда.**

1992 йил 19 февралда дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён расмий Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги муносабатлар салмоқли йўлни босиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15-17 май кунлари АҚШга расмий ташири муқобил бурилиш нуктаси бўлди. Ушбу ташир стратегик шериклиқнинг янги даврини бошлаб берди. Президент, шунингдек, 2017 йил май ойида Ар-Риёздаги саммитда, 2017 ва 2025 йил сентябрь ойларида БМТ Бош Ассамблеяси сессиялари доирасида АҚШ етакчилари билан учрашувлар ўтказди.

2021 йилда икки томонлама сиёсий мулоқот “Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик мулоқоти”га айлантирилди. Унинг йиғилишлари икки давлат пойтахтларида навбатма-навбат ўтказиб келинмоқда. 2024 йил 13 ноябрда Вашингтонда бўлиб ўтган тўртинчи йиғилишда бу форматнинг мақомини “Кенгайтирилган

стратегик шериклик мулоқоти” даражасига кўтаришга келишиб олинди.

АҚШ маъмурияти ва махсус маслаҳатчиларнинг Ўзбекистонга таширлари ҳам мунтазам тус олган. 2025 йилда АҚШ Президентининг глобал шериклик бўйича махсус вакили Паоло Замполлининг ташири (2025 йил 28 август – 1 сентябрь) ҳамда Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус маслаҳатчи Сержио Гор ва давлат котибининг биринчи ўринбосари Кристофер Ландаунинг ташири (25-27 октябрь) амалга оширилди.

2025 йил 8-10 апрель кунлари Ўзбекистон ташир ишлар вазири Бахтиёр Саидовнинг АҚШга ташири икки томонлама муносабатларнинг юқори даражада эканини яна бир бор тасдиқлади. Ташир доирасида АҚШ Давлат котиби Марко Рубио ва АҚШ Президентининг Миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Майкл Уолтц билан учрашувлар ўтказилди. Томонлар минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилиб, хавфсизлик, иқтисодий ривожланиш, минтақавий боғлиқлик ва Марказий Осиёда барқарор ривожланиш масалаларида стратегик шериклиқни мустахкамлашга алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон — АҚШ парламентлараро алоқалари ҳам юқори даражада. 2018 йилда АҚШ Конгрессида “Ўзбекистон бўйича кокус” тузилган бўлиб, унда икки партия вакиллари иштирок этди. Конгресс делегацияларининг таширлари мунтазам ташкил этиляпти.

Иқтисодий ва инвестицион ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Икки томонлама товар айланмаси ҳажми ва инвестиция лойиҳалари сони йил сайин ўсмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда “Air Products”, “General Electric”, “General Motors”, “Boeing”, “Honeywell”, “Coca-Cola”, “John Deere” ва бошқа нуфузли компаниялар фаолият юритаяпти.

2025 йил 9 июнь кунини IV Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Ўзбекистон — АҚШ бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда АҚШнинг 100 га

яқин компанияси қатнашди. “Boeing”, “FLS”, “Visa”, “NASDAQ”, “Air Products”, “Franklin Templeton”, “Morgan Stanley” ва бошқа компаниялар билан музокаралар ўтказилди ва меморандумлар имзоланди.

АҚШ Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлишини қўллаб-қувватлайди. 2024 йил декабрда Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши бўйича икки томонлама музокараларни якуновчи Баённома имзоланди. Бу мамлакатимизнинг жаҳон савдо тизимига интеграциясида муҳим қадамдир.

Маданий-гуманитар соҳани ҳамкорлиқнинг муҳим таркибий қисми сифатида қайд этиш жоиз. Тошкент — Сизтл, Бухоро — Санта-Фе, Зарафшон — Клинтон шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилган. Бу алоқалар маданий ва таълимий лойиҳалар, туризм ва бизнес ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Таълим соҳасида 2019 йилда Тошкентда Вебстер университети филиали ҳамда Аризона давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилган Америка технология университети (AUT) муҳим роль ўйнамоқда. 2025 йил 30 август кунини AUTда илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик маркази — “АҚШ бурчаги” очилди.**

2023 йил октябрда Тошкентда “Education USA” минтақавий форуми ўтказилди ва унда 65 та АҚШ олий таълим муассасаси иштирок этди. Ўзбекистонда “American Councils” (ACIE) фаолияти қайта тикланди, Тинчлик корпуси фаолиятини тиклаш бўйича ишлар давом этаяпти.

Транспорт соҳасида ўрнатилган яқин шериклик алоқалари ҳам янги имкониятлар очмоқда. Хусусан, 2017 йил июль ойидан бошлаб миллий авиакомпания томонидан “Тошкент — Нью-Йорк — Тошкент” йўналиши бўйича тўғридан тўғри авионаввозлар қайта йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, АҚШ Ўзбекистонда амалга оширилаётган ички ислохотларни изчил қўллаб-қувватламоқда. Давлат департаменти ва Меҳнат департаменти хисоботларида одам савдосига қарши курашиш ва болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари билан бартараф этишдаги ушбулар эътироф этилган. Ўзбекистон пахтаси болалар меҳнати билан боғлиқ махсулотлар рўйхатидан чиқарилди. 2020 йил декабрь ойида эса Ўзбекистон виждон эркинлиги бўйича “Алоҳида ҳавожан савдо тизимига мамлакатлар” рўйхатидан чиқарилди, 2024 йил апрель ойида АҚШ Савдо ваколатхонаси Ўзбекистонини интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича кузатув рўйхатидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга амалий ташири ҳамда “С5+1” саммитидаги иштироки икки томонлама ва кўп томонлама йўналишларда амалий лойиҳаларни жадаллаштиришга кучли туртки беради. Ташир, шунингдек, сиёсий мулоқотни мустахкамлайди, аввал имзоланган инвестиция келишувлари амалга ошишини тезлаштиради, таълим ва маданий алмашишларни кенгайтиради, энергетика, транспорт ва рақамли технологияларга доир лойиҳаларни келишиш ва амалга оширишга қўшимча туртки беради.

Ўзбекистон учун бу — Марказий Осиёда фаол ва ишончли шерик эканини яна бир бор тасдиқлаш имконияти бўлса, АҚШ учун глобал барқарорлик ва иқтисодий ривожланиш учун муҳим бўлган минтақадда шериклиқни мустахкамлаш платформасидир.

“Дунё” АА

## Нуқтаи назар



**Фазлиддин МҶМИНОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бўлим бошлиғи**

Айнан шундай табаррук ва рамзий аҳамиятга эга заминда сўнгги 40 йил ичида илк бор ЮНЕСКО бош қароргоҳидан ташқарида йирик тадбир бўлиб ўтмоқда. Бу тарихий воқеа буюк шаҳар Самарқанднинг глобал сиёсий, илмий ва маданий харитаддаги ўрнини қайта белгилаб берадиган муҳим қадамдир. Чунки Самарқанд азалдан Шарқ ва Ғарбни, турли миллат ва элатларни бирлаштирган. Бу ерда тарих гувоҳлигида илм-фан, адабиёт ва санъат гуллаб-яшнаган, алломулар, кашфиётлар бешиги шу замин бўлган. Улугбек расадхонасидан чиққан илм нури бутун дунё илм-фани тараққиётига хизмат қилгани Самарқанднинг асл миссияси — билим ва маърифат маркази эканини кўрсатади.

ЮНЕСКОнинг бундай нуфузли форуми айнан Марказий Осиёда, янги Ўзбекистонда ўтказилиши дунё ҳамжамиятининг юртимизнинг кенг қўламли ислохотлари, очкилик ва конструктив мулоқот сиёсатида юксак ишончининг ёрқин ифодаси сифатида биз учун шарафлидир. Демак, Самарқанд бутун қадимий обидалар маконидан глобал ҳамкорлик, цивилизациялараро мулоқот ва гуманитар муаммоларга ечим излаш майдони сифатида намоён бўлмоқда.

43-сессия доирасида Самарқанд ташаббуслар марказига айланиб, таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасида янги руҳ, янги умидлар, янгица кайфият жонланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг илм-фан дипломатиясидаги янги давр шу воқелиқдан сўнг ўзгача тус олди. Бир сўз билан айтганда, биринчи марта Марказий Осиёда ўтказилаётган ушбу глобал анжуман Ўзбекистоннинг илм-фан, таълим ва инновациялар соҳасидаги янги сиёсатини бутун дунёга яққол кўрсатди.

Эйтириш, шунингдек, Афғонистонга оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Расмий Тошкент илгари сурган кўплаб ташаббуслар, хусусан, “С5+1” виртуал котибияти”ни ташкил этиш (2021), ТИФА доирасидаги учрашувлар (2023 йил март, Самарқанд), сунъий интеллект ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларни

асосий эътибор сунъий интеллект технологияларини таълим тизимига кенг жорий этишга қаратилди. Бу борада Ўзбекистон ЮНЕСКО иштирокида “Сунъий интеллект — мактаб” номли намунавий лойиҳани амалга оширишга тайёрлигини билдирди. Шунингдек, сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро экспертлар анжуманини ўтказиш тақлифи илгари сурилди. Касб-хунар таълимида тажриба алмашиш учун Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш режаси ҳам қўллаб-қувватланди.

Инсониятнинг бебаҳо хазинаси бўлган қўлёмалар, архивлар ва бошқа қимматли тарихий ҳужжатларни сақлаш, уларнинг очкилигини таъминлаш мақсадида ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантиришдан Ўзбекистон манфаатдор экани таъкидланди. Мазкур дастур яратилган санани ишонилмас мақсадида 19 ноябрни Хужжатли мерос халқаро кунини деб эълон қилиш тақлиф этилди. Яна бир муҳим тақлиф — ЮНЕСКО тузилмасида Рақамли мерос бўйича халқаро институт ҳамда тенгсизлиқни бартараф этиш мақсадида Хотин-қизлар етакчилиги бўйича ЮНЕСКО академияси ташкил этиш ташаббуси кенг жамоатчилик оқлишларида сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси томонидан Самарқандда барча қитъалардан машҳур тадқиқотчилар, санат

**Кўхна Самарқанд. Бу ном янграганда кўз ўнгимизда Буюк ипак йўлидаги залворли қарвон, туялар қўнғироклари жаранги, бокий тамаддун чорраҳаси, Мирзо Улугбек кашф этган юлдузлар илми, Амир Темур салтанати қудрати намоён бўла бошлайди. Ўзига хос ўтмишга эга бу муаззам замин бутун инсониятнинг бебаҳо маданий мероси хазинасидир.**

ЮНЕСКО ташкил топганининг 80 йиллиги арафасида ўтказилган йирик форумнинг очилиш маросимида 190 га яқин давлатдан 2800 дан ортиқ делегат, жумладан, Сербия ва Словакия Президентлиги каби 70 нафар юқори даражали шахс қатнашди. Президентимиз маросимдаги нутқида бу тадбирни “Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли, жадал ислохотларга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси”, деб баҳолади. Аҳамиятлиси, давлатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг эзу мақсадларини янги босқичга олиб чиқиш учун илм-фан, таълим ва технологиялар соҳасидаги глобал муаммоларга ечим бўлувчи муҳим ташаббусларни илгари сурди. Улар Ўзбекистоннинг креатив фикрлайдиган янги авлодини тарбиялаш ва глобал технологияларни ўзлаштириш боридаги устувор вазифаларини акс эттирди. Жумладан, жисмоний ва ижтимоий хусусиятларидан қатъи назар, ҳар бир болага таълим олиш учун тенг имкониятлар яратиш мақсадида ЮНЕСКОнинг алоҳида эътиёжли болалар учун инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини жорий этиш тақлиф қилинди.

Асосий эътибор сунъий интеллект технологияларини таълим тизимига кенг жорий этишга қаратилди. Бу борада Ўзбекистон ЮНЕСКО иштирокида “Сунъий интеллект — мактаб” номли намунавий лойиҳани амалга оширишга тайёрлигини билдирди. Шунингдек, сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро экспертлар анжуманини ўтказиш тақлифи илгари сурилди. Касб-хунар таълимида тажриба алмашиш учун Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш режаси ҳам қўллаб-қувватланди.

Инсониятнинг бебаҳо хазинаси бўлган қўлёмалар, архивлар ва бошқа қимматли тарихий ҳужжатларни сақлаш, уларнинг очкилигини таъминлаш мақсадида ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантиришдан Ўзбекистон манфаатдор экани таъкидланди. Мазкур дастур яратилган санани ишонилмас мақсадида 19 ноябрни Хужжатли мерос халқаро кунини деб эълон қилиш тақлиф этилди. Яна бир муҳим тақлиф — ЮНЕСКО тузилмасида Рақамли мерос бўйича халқаро институт ҳамда тенгсизлиқни бартараф этиш мақсадида Хотин-қизлар етакчилиги бўйича ЮНЕСКО академияси ташкил этиш ташаббуси кенг жамоатчилик оқлишларида сазовор бўлмоқда.


Мамлакатимиз етакчиси томонидан Самарқандда барча қитъалардан машҳур тадқиқотчилар, санат

намоёндалари, педагог ва ихтирочи хотин-қизларнинг Таълим, маданият ва фан соҳасидаги глобал форумини ўтказиш тақлифи ушбу соҳа вакиллари салоҳиятини тўлиқ рўёбга қиқариш орқали глобал тараққиёт ҳамда инновацияларни тезлаштиришга қаратилган. Бу ЮНЕСКОнинг фундамента ва устувор вазифаларидан бири бўлган гендер тенглик тамойилини амалда ҳаётга татбиқ этиш демакдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон олий таълим тизими рақамли трансформация ва инновацион технологиялар, хусусан, сунъий интеллект (СИ) кенг жорий этиш орқали кескин ўзгаришлар даврига кирди. Бу саъй-ҳаракатларнинг асосий мақсади таълим сифатини ошириш, ўқув жараёنларини шахсийлаштириш ва талабаларни келажак касблари учун тайёрлашдир. СИ бўйича таълим дастурлари ва курслар жамланган махсус платформа яратилиши эса талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг бу борадаги билим ва қўникмаларини мустақил равишда оширишга хизмат қилади.

Самарқандда илм-фан дипломатияси давом этар экан, сессия доирасида Ўзбекистон ва Япония олийгоҳлари ректорларининг “Билим ва жамият ўртасидаги йўғунлик: инсон тараққиёти ва инновациялар йўлида фанлараро ёндашувлар” мавзусидаги бешинчи форуми бўлиб ўтди. Бу анжуман ЮНЕСКОнинг глобал тадбири доирасида ўтказилиши Ўзбекистоннинг илм-фан, таълим ва инновациялар соҳасидаги халқаро ҳамкорликка содиқлигини яна бир бор исботлади. Форум доирасида бўлиб ўтган U2U учрашувларда Ўзбекистон ва Япония олий таълим муассасалари раҳбарлари икки томонлама музокаралар ўтказиб, янги стратегик ҳамкорлик йўналишлари бўйича фикр алмашдилар. Нағоя университети президенти Наоши Сугияманнинг “Биз Ўзбекистон олийгоҳлари билан илмий ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма тадқиқотлар ва таълим дастурларини ривожлантиришдан манфаатдоримиз” деган сўзлари бу келишувлар шунчаки қозғоғида баённома эмас, Ўзбекистон ва Япония университетлари ўртасидаги илмий тадқиқот ва таълим соҳасидаги алоқалар тўбдан янги босқичга кўтарилишига аниқ ишора эканини ағдайим.

Юқорида келтирилган муҳим тақлифларнинг амалга татбиқ этилиши “Самарқанд руҳи” шиёоати билан илм-фанда янгица фаолият тўқлини вужудга келишига хизмат қилиши билан аҳамиятли.



## САНОАТ МАХСУЛОТЛАРИ ЕВРОПА БОЗОРИДА

**Мамлакатимизда яқин йилларгача пахтани қайта ишлаш борасида деярли янги лойиҳа ишлаб чиқилмаган. Оқибатда пахта меҳнатига яраша наф келтирмасди. Кейинги йилларда соҳада янги тизим йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тизимда мутлақо янгица йўл танланди. Аввало, давлат бююртмасидан воз кечилиб, эркин бозор иқтисодиётига ўтди. Натижада бутун Ўзбекистон пахта экспортчисидан йирик тўқимачилик махсулотлари ресурс марказига айланди. Қисқаси, тўқимачилик янги Ўзбекистон саноатининг драйвери бўлмоқда.**

Юртимиздаги ангиланишлар тўқлини одамлар турмуш тарзи, дунёқарашини ўзгартирди. Уларнинг ҳаётинда янги имкониятлар эшигини очди. Бутун барча жабҳада юқори қийматга эга, харидориги, хоржибон махсулот яратишни қўллаб-қувватлашга муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

Иқтисодиётни янада ривожлантиришга қаратилган бундай лойиҳалар туфайли Қўдала туманида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатишмоқда. Жумладан, бир оз аввал туман ҳокимлиги жамоаси Италиянинг “Cotonella” компаниясида бўлган эди. Учрашув натижасида икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилга келишиб олинганди. Кўп ўтмай, мазкур йирик ишлаб чиқариш компанияси Қўдалада фабрика очди.

Корхона 2023 йил якунида иш бошлаган. Унга “Cotonella” бренди томонидан биринчи босқичда 1,2 миллион евро инвестиция киритилди. Шу орқали йилга 1 миллион дона тайёр трикотаж кийим ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Ҳозир корхонада 200 дан ортиқ иш ўрни бор, — дейди корхона раҳбари Довруғбек Иноғомонов. — Йил якунига қадар яна 100 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлашни режа қилганмиз. Корхонамизда ишчилар учун барча шароит яратилган. Тикувчиларимиз олис маҳаллалардан келиши туфайли қатнов учун автобус қўйилган. Ҳар кун ишчиларни ўз вақтида олиб келиб, кечки пайтда уйига элтиб қўяди. Маош ходимларнинг иш тажрибасига қараб белгиланган. Янги келганлар иш ўрганишга қийналмайди. Уларга малакали ходимлар устозлик қилади.

Корхонада асосан аёллар кийим-кечаклари тикилади. Махсулотнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 2 миллион евродан ортиқ қийматдаги тайёр тикув-трикотаж махсулотлари Европада экспорт қилинди.

“Cotonella” корхонаси Қашқадарё вилоятининг Қўдала туманида Италия капитали иштирокидаги дастлабки корхонадир. Бу бренд Италия бозорининг

деярли 70 фоизини эгаллаган. Лойиҳа қиймати 5 миллион евро бўлган корхонада тайёрланган махсулотнинг харидорлари йил сайин кўпайиб бормоқда. — Бу ерда ишлаётганимга икки йилча бўлиб қолди, — дейди Ғўзал Жалаева. — Келганимда бирор хунарим йўқ эди. Шу ерда иш ўрганиб, малака оширдим. Фабрика раҳбариятининг қўллаб-қувватлови билан ўз ўрнимга эга бўлдим. Бугун янги ишга келганларга устозлик қиляпман. Бошида ойлигим 2 миллион сўм атрофида эди. Ҳозир ошган, ишимга яраша. Икки қизим университетга ўқийди. Уларнинг ўқув шартнома пулини тўлаб берайман. Бундан ташқари, рўзгорга ҳам нафим тегади. Мен ашайдиган Бегламш қишлоғининг ўзидан йигирмага яқин хотин-қиз шу ерда ишляяпти.

Айни пайтда корхона мутасаддилари ишни янги босқичга олиб чиқадиган лойиҳа устида ишламоқда. Унга кўра, корхонада рақамли технология жорий этилиб, “ишил” энергиядан фойдаланишга ўтилади.

Президентимизнинг 2019 йил 12 февралдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2019 йилдан 2025 йилгача тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган. Мақсад тўқимачилик махсулотлари экспорт ҳажминини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш, халқ фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат. Бутун Қўдалада бу йўналишда муҳим қадамлар ташланмоқда.

Айни кунларда ушбу корхона томонидан туманда икки гектар майдонда янги фабрика учун маммуа барпо этилмоқда. Улар ишга тушган, ишлаб чиқариш ҳажми янада ортиб, қўшимча иш ўринлари очилади.

**Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

# Дунё халқларини эзгу мақсад йўлида бирлаштириш ташаббуслари



Нодир МАҲМУДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

## Жаҳон маданий, маънавий ва гуманитар ҳамкорлик маркази

Шу кунларда боқий Самарқанд шаҳри жаҳоннинг маданий, маънавий ва гуманитар ҳамкорлик маркази эканини яна бир бор намोён этмоқда. ЮНЕСКО Бош конференциясидек нуфузли анжуманининг асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган, турли маданиятлар, динлар ва илм-фанларнинг ўзаро таъсирига саҳна бўлиб хизмат қилган шаҳарда ўтказилиши бежиз эмас.

Унинг жаҳон миқёсидаги тадбир ўтказиладиган жой сифатида танланиши юртимизнинг маданият, илм-фан, таълим, коммуникация ва ахборот соҳаларидаги ютуқлари ҳамда бой тарихий ва маданий меросини яқол эътирофи ҳамдир. Бинобарин, ЮНЕСКО жаҳон халқларини билим, маданият ва фан орқали бирлаштиришни мақсад қилган нуфузли халқаро ташкилот. Унинг асосий мақсади таълим, фан, маданият, коммуникациялар, туризм соҳаларидаги ҳамкорлигини ривожлантириш орқали тинчлик ва ҳавфсизлиكنи мустақамлашга қўмаклашишидир. Бу халқаро ташкилот янги саводсизликка қарши курашиш, маориф тизимини ривожлантириш, миллий маданиятларни ўрганиш, атроф-муҳит ва маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш каби кенг қамровли масалаларни ҳал этишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Дарвоқе, шу ерда яна бир гапни айтиб ўтишимиз жоизга ўхшайди: ушбу нуфузли тадбир сўнгги 40 йилда биринчи марта Франция юфклари тахтидан ташқарида ўтказилган. Форум дунёнинг деярли барча давлатларидан делегатларини жамлади ва Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини намойиш этиш учун ўзинга хос платформа ҳам бўлди. Мамлакат учун ушбу тадбир жаҳон туризми ва цивилизациялар мулоқоти маркази мақомини мустақамлаш, sanoatни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорлик учун янги ўфкларни очишда муҳим қадамдир. Бундай нуфузли тадбирнинг муваффақиятли ўтказилиши катта шараф ва масъулият. Зеро, у Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсини янада оширади, маданиятлараро мулоқот ва илмий ҳамкорлиكنи ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентимиз 30 октябрь куни анжуманинг очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Нуфузли иштирокчиларини маданиятлар ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган меҳмондўст Ўзбекистон заминида самимий қутлади.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида мартабали меҳмонларни жамлаган форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётгани ташкилотга аъзо давлатларнинг янги Ўзбекистондаги кенг қўламли, жадал ислохотларга юксак ишончининг ёрқин ифодаси сифатида қабул қилинишини таъкидлади. Шунингдек, ташкилот ўзининг 80 йиллик фаолияти давомида таълим, фан, маданият ва ахборот соҳаларида глобал ҳамкорлик, ишонч ва ҳамжиҳатлиكنи мустақамлашга қўмаклашадиган нуфузли халқаро институтга айланганини қўш эъти.

Мамлакатимиз етакчиси, шунингдек, ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларини ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли боғлавлар учун инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини яратиш ва Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказишни таклиф қилди. Ўзбекистон ЮНЕСКО шафелигидега “Сунъий интеллект — мактаб” пилот лойиҳасини амалга ошириш ва сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро экспертлар форумини ташкил этишга таъбир эканини билдирди.

Маърузада номоддий маданий меросни асраб-авайлаш зарурлиги таъкидланди. ЮНЕСКОнинг халқ оғзаки ижоди, қўлёзма, архивлар ва қимматли тарихий ҳужжатлар, маданий маълумотлар каби ноёб мерос объекларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида таъсис этилган “Жаҳон хотираси” дастурини ривожлантиришдан манфаатдорлик билдирди.

19 ноябрь санасини Халқаро ҳужжатли мерос куни деб эълон қилиш, шунингдек, ЮНЕСКО тузилмасида Рақамли мерос халқаро институтини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари 2027 йилда Бухорода ЮНЕСКОнинг ижодий шаҳарлар тармоғи доирасида Хўнарамдлик ва халқ амалий санъати бўйича халқаро конгресс ўтказишни таклиф этди.

Президентимиз гендер тенгликни илгари суриш ва хотин-қизларнинг етакчилик қобилиятини ривожлантириш мақсадида ЮНЕСКОнинг Хотин-қизлар етакчилиги академиясини ташкил этиш ҳамда Самарқандда дунёнинг барча қитъаларидан таниқли тадқиқотчилар, санъат намояндалари, педагоглар ва новаторлар иштирокида Таълим, маданият ва илм-фан соҳаларидаги хотин-қизларнинг глобал форумини ўтказиш ташаббусини эълон қилди.

## ТИНЧЛИКПАРВАР ВА ФАРОВОНЛИК СИЁСАТИ ҲАЁТИЙЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН

Иқлим инқирозига қарши биргаликда самарали курашиш ҳам долзарб масала сифатида қайд этилди. Давлатимиз раҳбари иқлим ўзгариши маданий меросга салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлаб, “ЮНЕСКОнинг экологик пойтахти” глобал ташаббусини таъсис этиш, шунингдек, ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг глобаллашув ва иқлим ўзгариши шароитида маданий меросни асраш тўғрисидаги резолюциясини ишлаб чиқишни таклиф этди. Ўзбекистон Хива шаҳрида шу мавзуда халқаро симпозиум ўтказишга тайёрглигини билдирди.

Иштирокчилар Президентимиз нутқида илгари суртилган шу ва бошқа қатор таклиф ҳамда ташаббусларнинг аҳамияти ва муҳимлигини эътироф этди. Улар ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини белгилаш, ўзаро ишонч ва глобал шериклиكنи мустақамлаш, тараққиёт барқарорлигида муҳим қадам бўлишини таъкидлади.

### Стратегик ҳамкорликнинг янги босқичи

Ўзбекистон Президенти 23-24 октябрь кунлари расмий таширф билан Бельгияда бўлди. Европанинг рамзий пойтахти ҳисобланмиш Брюссель шаҳрида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антонио Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен иштирокида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Етакчилар имзоланган тарихий битим моҳиятини юқори баҳолади. Ушбу кенг қамровли ҳужжат Ўзбекистон билан ЕИ ҳамкорлигининг нафақат ҳуқуқий асосларини кенгайтириши, балки янги кун тартибини шакллантириши таъкидланди. Шунингдек, битим тузилмага аъзо давлатлар билан, энг аввало, савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, иқлим, юқори технологиялар ва маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳаларидаги алоқаларга кучли сурбат бағишланиш қайд этилди.

Ҳужжат 9 та бўлим, 356 та модда ва 14 та иловодан иборат. У икки томонлама муносабатларнинг деярли барча соҳаларини қамраб олади ҳамда сиёсий мулоқотни мустақамлаш, савдо ва инвестиция, барқарор ривожланиш, фан ва таълим, инновациялар ва юқори технологиялар, атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўзаро манфаатли барча йўналишларда ҳамкорлигини ривожлантириш учун кенг қамровли ҳуқуқий асосни шакллантиради.

Таширф доирасида бўлиб ўтган йирик қўшма бизнес форуми, Европанинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашувлар натижасида энергетика, кимё, муҳим минераллар, логистика, тўқима-чилик ва фармацевтика тармоқларида умумий қиймати 10 миллиард евродан зиёд бўлган янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди. Бу Европа компаниялари иштирокидаги умумий қиймати 40 миллиард евродан зиёд бўлган ҳозирги лойиҳалар портфелига салмоқли қўшимчадир.

Изчиллик, очкичлик ва натижадорлик — Президентимиз ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари. Ҳар бир келишув, таширф, ҳар бир қарор ягона мақсад — Ўзбекистон халқи манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг халқаро майдондаги обрўсини янада оширишга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг Брюссельга таширфи бу сиёсатнинг навбатдаги амалий ифодаси бўлди. Европа Иттифоқи комиссари Марта Кос Президентимизга мурожаат қилар экан, “**Ўзбекистон янгилашлар суръатини белгилапти**” ва “**Сиз азму шижоатли инсонсиз**”, деди самимият билан. Бу сўзлар шунчаки дипломатик илтифот эмас, балки ислохотлар натижасига берилаётган ҳақиқий баҳо, Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги янги ролининг эътирофи бўлди.

Ҳа, мазкур воқеалик дунёнинг етакчи сиёсатчилари ва оммавий ахборот воситаларини катта эътибор қаратди. Жумладан, матбуотда ёрилган шарҳлар, мақолаларнинг мазмун-моҳиятида қўйидаги фикрлар устуворлик касб этди:

“**Ўзбекистон Президентининг Брюсселга расмий таширфи ва Европа Иттифоқи билан кенг қамровли янги битим имзоланиши ўзбек дипломатияси тарихида муҳим воқеа бўлди... Европанинг Ўзбекистонга ишончи ортди бораётгани, унинг Евроосиёда барқарорлик, барқарор ривожланиш ва ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлашдаги муҳим роли эътироф этилаётганини фақат оқинлаш мумкин**”.

Лаен саройида Ўзбекистон Президентининг Бельгия Қироли Филипп билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб мавзулар юзасидан фикр алмашилди. Қироли Филипп Ўзбекистон етакчисининг ЕИ раҳбарияти билан музокаралари яқунларини юксак баҳолаб, мамлакатимиз етакчисини Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги тарихий битим имзолангани билан самимий табриқлади.

### Янги Ўзбекистон шижоати

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг тақлифига биноан амалий таширф билан ушбу мамлакатда бўлди ва 7 октябрь куни Туркий давлатлар ташкилоти Давлат

### Октябрь сарҳисоби



раҳбарлари кенгашининг Габала шаҳрида ўтган навбатдаги йилгилишида иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқнинг бүгунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий шериклиқнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида бу галти йилгилиш мураккаб геосиёсий ўзгаришлар, дунё ва минтақада ҳавфсизликка таҳдидлар кучайиб бораётган шароитда ўтаётганини таъкидлади.

Глобал вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва зарур қарорлар қабул қилиш мақсадида ДТД мамлакатлари ташқи сиёсий идоралари ва махсус хизматлари раҳбарларининг қўшма учрашувлари ўтказиш ва бундай форматдаги биринчи йилгилиш келгуси йилда Самарқанд шаҳрида ташкил этиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси қисқа муддатда жадал ривожланиб бораётган нуфузли халқаро тузилмалар қаторига кирган Туркий давлатлар ташкилотининг ўрни ва аҳамияти тобора ортди бораётганига эътибор қаратди, амалий ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг аниқ масалаларга тўхтади. Ташкилотнинг нуфузи ва салоҳиятини ошириш, яқин истиқболда унинг самарали ҳамкорлик майдони сифатидаги ролини кучайтириш устувор вазифа эканини таъкидлади.

— **Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиқ тўғрисидаги битимни тереқ қилиш, қабул қилиш тарафдорлигимиз. Албатта, бу муҳим битим ҳамкорлигимизнинг ривожлантириш йўлида асосий сиёсий ҳужжат сифатида қардош халқларимизни янада яқинлаштириш, амалий алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда мустақам замин бўлиб хизмат қилади**, — деди Президентимиз.

Шунингдек, кўп қиррали шерикликини кенгайтириш ва жадаллаштириш мақсадида Туркий давлатлар ташкилотини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича алоҳида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Ушбу ҳужжатларда қатор аниқ йўналиш ва чора-тадбирларни ахс эттириш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, озик-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини кучайтириш ва халқаро транзит йўлакларини ривожлантириш соҳасида мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш, барқарор тараққиётнинг муҳим драйверига айлантирилган сунъий интеллект, рақамлаштириш ва креатив иқтисодиётини ривожлантириш каби тақлифлар катта қўзиқиш билан қабул қилинди.

Аслида, давлатимиз раҳбарининг халқаро саммитлар, учрашувлар, мулоқотларда айтаётган барча тақлифлари, фикрлари замирида умминсоният манфаатларига хизмат қилувчи давлат, тинчлик, барқарорлик, фаровон ҳаёт йўлидаги гоғлар мурассам. Бу сўнгги йилларда янги Ўзбекистон юритаётган дўстона ташқи сиёсат самарасидир. Шу бонс, галдаги саммитда ҳам Ўзбекистон томонидан билдирилган ташаббуслар иштирокчи давлатлар томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон етакчиси яна бир муҳим масалага эътибор қаратди.

— **Биз келгуси йилда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 585 йиллиги ҳамда улуг озарбайжон шоири Низомий Ганжавий таваллудининг 885 йиллигини кенг нишонлаймиз. Ана шу муносиб сиймоларнинг инсонпарварлиқ, ўзаро дўстлик ва бирдмлик ҳақидаги гоғларни, бебаҳо адабий меросини кенг тарғиб этиш мақсадида “Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ижоди туркий дунё маънавий ҳаётида” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказишни таклиф этамиз**, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти 10 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йилгилишида иштирок этди.

Ҳамдўстлик доирасидаги амалий ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган йилгилишдаги нутқида давлатимиз раҳбари кўп томонлама ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ҳамда мамлакатлар иқтисодиётини барқарорлигини мустақамлашга қаратилган қатор амалий тақлифлар билан чиқди.

Жумладан:

— глобал беқарорлик шароитида МДҲ формати барқарор ва зарур тузилма сифатида ўзини намоён этаётганини таъкидлаб, эътиборни ҳамкорлиқнинг амалий йўналишларига қаратиш;

— барча транспорт турлари билан интеграцияланган ахборот-логистика марказларини яратиш ҳамда транспорт соҳасида давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича МДҲ мамлакатлари конференциясини Ўзбекистонда ўтказиш;

— махсус иқтисодий зоналарни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни тайёрлаш, шунингдек, МДҲ венчур платформасини яратиш орқали стартаплар ва инновацияларини илгари суриш;

— Тошкент шаҳрида “ИННОПРОМ” кўргазмаси доирасида МДҲ инновацион sanoat форумини ўтказиш;

— МДҲ энергетика секторини инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва аънавий ҳамда “яшил” энергетика бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш;

— рақамлаштириш ва сунъий интеллект соҳасида кўп томонлама амалий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш, шунингдек, фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликини кенгайтириш;

— дипломатлари ўзаро тан олиш бўйича янги давлатларга келишувни тайёрлаш, шунингдек, Хива шаҳрида МДҲ Ёшлар форумини ўтказиб, Ёшлар инновация лабораториясини ташкил этиш;

— МДҲ мамлакатлари ташқи сиёсат идоралари ва махсус хизматлар ўртасида мувофиқлаштирувни кучайтириш, Афғонистондаги инфратузилма лойиҳаларида биргаликда иштирок этишни таклиф қилди.

Президентимиз 9 октябрь куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Россия” форматдаги иккинчи саммитда ҳам иштирок этди. Унда кўп томонлама шериклигини янада ривожлантириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликини кенгайтириш масалалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди.

### Ислохотларнинг устувор йўналиши

Ўзбекистон Президенти 17 октябрь куни қасаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашув ўтказиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида қасаба уюшмалари ҳаракати аъзоларига ўзининг юксак ҳурмати ва эъзу тилакларини изҳор қилди, ҳар бир қорхона ва ташкилотга ишчанлик муҳити, меҳнат жамоаларига рағбат ва адолат руҳини олиб қираётгани учун миннатдорлик билдирди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, қафолатланган иқтисодий ҳимояни таъминлаш бўйича мустақам қонуний асослар яратилгани таъкидланди. Янги таҳрирдаги Конституция, Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ва “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши бу соҳада муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларини қабул қилаётган энг фаол давлатлар сифатини жой олди. Саккиз йил олдин ушбу ташкилотнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ҳужжатлари сонини 12 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда 25 тага етди.

Олимлар, соҳа фахрийлари ва фаоллари томонидан ўтказилган ўрганишлар юртимизда қасаба уюшмалари ҳаракатиغا 1905 йилда асос солинганни исботлади. Шу бонс, бу йил мамлакатимиз бўйлаб қасаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейи кенг нишонланмоқда. Ушбу сана муносабати билан Президентимиз меҳнаткаш халқимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида ҳар бир ҳудудда “қасаба уюшмалари боғлари”ни ташкил этишни таклиф этди.

— **Биргаликда бошлаган ишларимиз ҳар бир меҳнат жамоаси, ҳар бир ҳодим ва унинг олмаси учун манфаатли бўлаётганига яна бир бор амин бўлдим. Бундан бун ҳам “Инсон қадрини учун” деган эъзу гоё Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади**, — деди давлатимиз раҳбари.

\*\*\*

Президентимиз 20 октябрь куни Ислон цивилизацияси марказига таширф буюриб, бу ердаги экспозициялар орқали халқимизнинг бой тарихий ва маънавий меросини кенг намойиш этишга қаратилган ишлар билан танишди.

Мазкур улкан ва ноёб лойиҳа давлат раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги қарорига асосан бошланган. Кўп ўтмай, 2018 йилги Рамазон ҳайити куни унинг пойдеворига тамал тоши қўйилган эди. Уттан даврда бу ерда катта ҳажмдаги қўриқлиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Марказ қадимий меъморий аъналаримиз ва миллий безаклар уйғунлигида барпо этилди. Иншоотнинг тўрт томонидан баландлиги 34 метри пештоқлар, ўртада эса 65 метри миллий услубдаги гўмбаз қад ростлаган.

Таширф чоғида Президентимиз заллардаги пардозлаш ва жиҳозлаш ишларини кўздан кечирди, бўлимлар ва кўргазмаларнинг мазмун-моҳияти, қўлланилаётган интерфеоал технологиялар билан яқиндан танишди. Экспонатларни маҳалли ва хорижий таширф буюрувчиларга ҳар томонлама қизиқарли ҳамда тушунарли қилиб тақдим этиш муҳимлигини таъкидлади. Шу мақсадда марказда фолият юритадиган мутахассис ва гидлар сонини кўпайтириш, уларни махсус дастурлар асосида тайёрлаш зарурлигини қайд этди.

Ушбу таширфга қатор хорижий ОАВ ҳам эътибор қаратди. Жумладан, Умоннинг “Asdaa Oman” наشري Президентимизнинг марказдаги бой тарихий-маънавий меросини кенг қўлабда намойиш этишга қаратилган ишларни кўздан кечиргани ҳақида мақола эълон қилди.

“Марказ таркибида 460 ўринли анжуманлар зали ҳам қўриб ботиқилган бўлиб, халқаро миқёсдаги учрашув ва илмий конференциялар ўтказиш учун барча замонавий шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, мажмуида “Ислондан аввалиги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс”, “Иккинчи Ренессанс”, “Ўзбекистон XX асрда” ҳамда “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” бўлимлари ташкил этилган”, дейилди мақолада.

\*\*\*

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни сифатида юртимизда миллият, маънавият ва маърали тузилмага айланган соҳа вакиллари Иجتимойи-сиёсий ҳаётимизда мустақам ўрин олган қўлтуғ сана муносабати билан пойтахтимизда тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқига байрам табриғи йўллади. Қўтловда сўнгги саккиз йилда амалга оширилаётган тарихий ислохотлар натижасида ўзбек тили ривожидега янги давр бошлангани таъкидланди. Тил сиёсатини янада такомиллаштириш, рақамли оламда ўзбек тилидаги ахборот ва мабналарни кўпайтириш, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиб, она тилимизни ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилди.

\*\*\*

25 октябрь куни бугун ва келажақ учун қўрқув ҳисси бўлмайдиган ватанини барпо этиш йўлида меҳнат қилаётган соҳа вакиллари — Ички ишлар ҳодимлари ўз касб байрамини нишонлади. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда Президентимизнинг тизим ҳодимлари ва фахрийларига байрам табриғи ўқиб эшиттирилди.

Унда ички ишлар тизимини халқчил ва самарали тузилмага айлантириш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизда тинчлик ва осийишлик муҳитини мустақамлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича мустақам замин яратилгани таъкидланди.

Сана арафасида Президентимизнинг “Ички ишлар органлари ҳодимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ҳодимлари муқофотлаш тўғрисида”ги фармони имзоланган эди. Унга қўра, бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак муқофотлари — II даражали “Шон шараф”, “Мардлик”, “Дўстлик” ордени, “Жасорат”, “Содиқ хизматлари учун”, “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

### Тинимсиз саяё-ҳаракат ва меҳнат самараси

27 октябрь куни Президентимиз ҳузурида бўлиб ўтган кенгайтирилган йилгилида жорий йилда иқтисодиётда қўтилаётган натижалар ва

2026 йил учун мўлжалланган асосий макро-иқтисодий кўрсаткичлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодиётимиз прогностдан анча юқори суръатда — 7,6 фоиз ўсди. Sanoat ҳажми 6,8 фоиз, қурилиш 14,2 фоиз, хизматлар 14 фоиз, қишлоқ ҳўжалиғи 4,1 фоиз ошди. Олтин-валюта захиралари ўтган йилдаги нисбатан 35 фоиз кўпайиб, 55 миллиард долларга етди. Нуфузли халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз иқтисодий истиқболларини юқори баҳоламоқда. “Fitch Ratings” илк бор мамлакатимиз суверен рейтингини бир поғонага оширган бўлса, “Moody’s” ва “S&P Global” ўз қутилмасини “барқарор”дан “ижобий”га ўзгартирди.

“Энг муҳими, эришилган натижалар аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилгити”, деди давлатимиз раҳбари. Аҳоли даромадлари 18,4 фоиз, омонатлар 35,3 фоиз, ўртача иш ҳақи эса 19,2 фоиз ўсди. Суворлар аҳоли ва бизнес ўртасида ишонч муҳити кучайганини, янги иш ўринлари ва даромад манбалари кенгаётганини кўрсатмоқда.

Президентимиз юқори ўснш суръатларини йил якунигача сақлаб қолиб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 135 миллиард доллардан ошириш иқтисодий комплекснинг асосий вазифаси бўлишини қайд этди. Танқидий рўқуда ўтган йилгилида келгуси йил учун асосий режалар кўриб чиқилди.

### Яна ЮНЕСКО анжумани ҳақида икки оғиз...

Шу кунларда жаҳон афкор оммасининг нигоҳи қадим ва ҳақиқия навқирон Самарқанд томонда бўлса, яна бир эътибор Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг дунё халқларини эъзу мақсад йўлида бирлаштириш ташаббуслари, тинчликпарвар ва фаровонлик сиёсати ҳаётлигига қаратилган.

ЮНЕСКО Бош конференцияси очилиши маросимида сўзга чиққан Бош



# Маҳалла- ЎЗГАРИШЛАР ОСТОНАСИ

Якин йилларгача маҳалла деганда фақат турар жойингизда ҳақиқатда рўйхатда туришингизни тасдиқловчи маълумотнома берадиган ёки болалар пулини ёзиб, ижтимоий нафақа белгилайдиган идора кўз олдимизда гавдаланарди. Маҳалланинг манзиллини ҳам, нима иш қилишни ваколат ва вазифалари нималардан иборат эканини ҳам кўпчилик билмасди. Маҳалла раиси ва ҳодимларининг мақоми аниқ белгиланмагани, арзимаган машо тўғайли бу идорада ишлашга кўп қизиқиш билдирилмагани бор ҳақиқат эди. Пенсияга чиққан ёки бирор сабаб билан ишсиз қолган обрўли одамга “Маҳалла раиси бўлиб тулинг”, дея илтимос қилинганини кўп эшитганман. Чунки маҳалла идораси туғул, унда ишлайдиганларнинг обрў-мартабаси саволли эди. Маҳалла институти гўёки жамоатчилик асосида фаолият юритарди.

Шу боис, маҳаллаларда йўл, сув, газ таъминоти каби ҳаётий муҳим инфратузилмалар билан боғлиқ қатор ижтимоий муаммолар йиғилиб қолганди. Одамлар асфальт кўрмаган йўллари тузатиш ёки кўчасидаги яроқсиз симёгонларни алмаштириб беришларини сўраб, идорама-идора йиллаб сарсон бўларди. Туман марказларидаги қайси идорага борманг, турнақатор навбатга кўзингиз тушарди. Арзимаган муаммолар ҳам туман ҳокимликларига ёки туман даражасида ҳал этиларди. Қисқача айтганда, одамлар ўз муаммолари билан ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Кимнинг хонадониди нима гап-сўз бўляпти, моддий аҳоли қандай, тирикчилиги қандай ўтаяпти, фарзандлари нима билан банд — бу каби масалалар билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Бирорта давлат идораси ёки амалдори қизикмасди. Бундай муаммоларни ҳал этишга маҳалла идорасининг на ресурси, на имконияти ва ваколати бўларди.

Ислохотлар маҳалла даражасига туширилгани янги даврнинг энг катта муваффақияти бўлди дейиш мумкин. Чунки “Инсон қадири учун” тамойили баландпарвоз гаплар билан эмас, амалда элнинг бирламчи эҳтиёжларини қондириш, яхши яшаш учун шароит яратиш билан рўбга чиқарилади.

Асрлар бўйи шаклланган маҳалла институти бутун тубдан ислоҳ қилинди. Замон талабига мослаштирилди. Маҳалла номигагина ишлайдиган эмас, ислохотлар марказидаги тузилмага айлантирилди. Одамларнинг оғирини енгил, мушкулени осон қиладиган, муаммоларни нафақат тинглаб, балки амалда ечиб берадиган том маънодаги институт шаклланди.

Бугун “маҳалла еттилиги” таркибига маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ҳодим ва солиқ инспектори киради. Маҳалланинг барча қатлами қамраб олинган. Ижтимоий ёрдам ва субсидиялар аҳолининг камбағалликдан чиқишини таъминлаш учун мақсадли ва манзилли йўналтирилиши ҳамда қарорлар қабул қилинишида очилик, ҳаққонийлик, ижтимоий адолат ва шаффофлик тамойилларига риоя этилишига “маҳалла еттилиги” масъул ва жавобгар.

Маҳаллалар “еттилик” томонидан ҳар бир кўча, ҳар бир хонадон кесимига ўрганилди. Аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳолатига қараб тоифаларга ажратилди. Ижтимоий кўмакка муҳтож, оғир иқтисодий инқирозга тушиб қолган одамлар реестри шакллантирилди. Уларни камбағалликдан чиқаришда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби ижтимоий дафтарларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлди.

Кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизмат маҳалла даражасига туширилгани ҳисобига 7,5 миллион фуқаро камбағалликдан чиқди, ишсизлик даражаси 2 баробар қисқарди. Шунингдек, 3,5 минг маҳалла кўчаси тубдан ўзгарди.

Раисларнинг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилди. Улар бошчилигида “еттилик” вертикал тизими яратилди, етарли шароит, ресурс ва ваколатлар берилди. Ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, иш ўрни яратиш учун маҳаллаларга банк ва солиқчилар бириктирилди, инфратузилмага ҳам алоҳида маблағ ажратилмоқда.

Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва жойларда ишларни самарали ташкил



этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Президентимизнинг шу йил 8 октябрдаги “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшаш ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори маҳаллалар тузилмалари фаолиятини бутунлай янги bosқичга олиб чиқиши билан муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, ҳужжатга мувофиқ, янги Ўзбекистон руҳи кириб бориши керак бўлган 33 та туман ва 330 та оғир маҳалла белгилаб олинди.

Мазкур туманларнинг ҳар бирига 100 миллион сўмдан, 330 та маҳалланинг ҳар бирига эса 5 миллион сўмдан ажратилади. Жаҳон банки ва Ислам тараққиёт банкидан жалб қилинган 100 миллион доллар ҳам шу

мақсадларга йўналтирилади. Бундан ташқари, ушбу туман ва маҳаллалардаги драйвер лойиҳалар инфратузилмаси учун яна 2 триллион сўм берилиши белгиланди. Умуман, ушбу дастурни молиялаштириш учун 7 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда.

Вилоят ҳокимларининг ўзи ҳам 2 тадан, туман ҳокимлари эса 1 тадан оғир маҳаллани белгилаб, уларга 5 миллиард сўмдан йўналтириши кўзда тутилмоқда. Бу саёй-ҳаракатлар орқали яна 236 та маҳалла аҳли турмушларида кескин ўзгариш бўлади.

“Ташаббусли бюджет” доирасида маҳаллада одамларнинг ўзи фаол бўлиб бошлаган лойиҳаларга кўмак берадиган янги тизим татбиқ этилди. Эндиликда қайси маҳаллада аҳоли йўл, сув, мактаб, боғча таъмирлашни бошлаган бўлса, харажатининг ярмини давлат кўтаради. Бу мақсадлар учун келгуси йилда яна мингта лойиҳага бюджетдан 500 миллион сўм йўналтирилади.

Шунингдек, барча маҳаллада ихтисослашув янада кучайтирилмоқда. Натижада 200 минг аҳоли бандлигини таъминлайдиган микролоиҳаларни рўбга чиқариш мўлжалланяпти.

Маҳаллаларга ўз ҳудудидаги айрим тоифадаги бўш давлат объектларини аукционга чиқариш ваколати берилди. Сотувдан тушган маблағнинг 70 фоизи маҳалланинг ўзида қолади ва инфратузилмага сарфланади.

Жорий йилдан бошлаб Солиқ қўмитаси ер ва мол-мулк солиқларини тўланганлик даражасига қараб, “Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” рейтингини эълон қилади. Бунда 100 таликка кирган маҳаллага “Ташаббусли бюджет”нинг янги тизими бўйича инфратузилма харажатининг 75 фоизи бюджетдан тўлаб берилди. Шунингдек, ушбу маҳаллаларнинг ҳар бирига қўшимча 2 миллиард сўмдан ажратилади.

Қонунчилик палатаси депутатларидаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш учун ҳар бирига 3 миллион сўмдан берилди.

Маҳалла ҳудудида санитария, экология ва ноқонуний қурилиш бўйича жарималарнинг 10 фоизи маҳалла бюджетига йўналтирилади. Уларнинг бюджетига 2026 йилдан бошлаб ҳар йили 200 миллион сўмдан ажратилади. Умуман, ушбу манбалар ҳисобидан келгуси бир йил учун 2 мингта маҳаллага қўшимча 8,5 триллион сўм берилди.

Биноларни замонавий сервис объектига айлантириш учун тадбиркорларга қўшимча енгилликлар кўзда тутилмоқда. Жумладан, шаҳар ва вилоят марказида тадбиркорлар томонидан қурилиб, пастки қаватида “маҳалла еттилиги” жойлашадиган бинолар 3 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод қилинади. Қишлоқ жойларда эса бу имтиёзлар муддати 7 йилга тенг. Бино эгаси бўлган тадбиркорлар ушбу муддат давомида фойда ва айланмадан солиқни 50 фоиз пасайтирилган ставкада тўлайди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла тизимини янада ривожлантириш юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда “Ислохотларимизнинг оstonаси бўлган ҳар бир маҳаллага янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш, энг аввало, “маҳалла еттилиги”нинг ягона жамоа бўлиб ишлашга бевосита боғлиқ”, дея “еттилик” вакилларида катта ишонч билдирди.

Аслида, бугунги ислохотлар маҳаллаларда бўй кўрсатиб, ҳар бир хонадонга кириб борапти. Одамларимиздаги ўзини-ўзини кунга ишонч ва хотиржамлик эгаламоқда. Тадбиркорлик кўникмаси шаклланимоқда. Ижтимоий дафтарлар орқали қўллаб-қувватланган хонадон эгалари ишсизликдан бугун иш бевурича айланмоқда. Оиласига фаровонлик, тўқилик олиб кирмоқда. Маҳалладошларини иш билан таъминламоқда. Бундай мисолларни ҳар бир маҳалладан изтаганча топиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлидаги саёй-ҳаракатларда “маҳалла еттилиги” давлатимизга қанот бўлиб, ислохотларнинг ҳақиқий ижросисига айланмоқда.

Юнус БЎРОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



## ЎЗГАРИШ

Бугун геосийсий зиддиятлар, савдо йўлларидаги узилишлар, энергия бозорларидаги беқарорлик ва глобал рақобатнинг янги қонунилари бутун дунё иқтисодий манзарасини ўзгартиряпти. Бу шароитда ҳар бир давлат ўз стратегиясини қайта кўриб чиқмоқда: бири эҳтиёткорлик билан оқимга мослашадиган бўлса, бири янги йўналиш орқали иқтисодиётини барқарорлаштирмоқда.

Дунё миқёсида юз бераётган турли иқтисодий беқарорликлар фониди мамлакатимизда сўнгги йиллардаги иқтисодий сиёсат қайта форматланиб, ички салоҳиятга таянган ҳолда янги ўсиш модели шакллантирилмоқда. Бу моделнинг асосий тамойили инсон манфаатларини, тадбиркорлик муҳитини ва самарадорлиқни ягона тизим сифатида уйғунлаштиришдир.

Бу жараёнда инсон қадрини юксалтириш, меҳнатнинг қийматини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга йўналтирилган концепцияни шакллантириш муҳимдир. Илгариги босқичда асосий мақсад фақат ўсиш суръатларига эришиш бўлган бўлса, бугун эътибор марказида ўсишнинг сифати, унинг жамият фаровонлигига таъсири ва энг муҳими, инсон ҳаётидаги амалий ифодаси турибди.

Шубҳасиз, бу сиёсат нафақат ташқи алоқаларда, балки миллий иқтисодиётимизнинг ички динамикасида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Масалан, Жаҳон банки Ўзбекистон иқтисодиёти 2025 йилда 6,2 фоиз ўсишини башорат қилмоқда. Осиё тараққиёт банки 6,6 фоиз, Европа тикланиш ва тараққиёт банки эса 6,7 фоизлик ўсишни кутмоқда.

Бу рақамлар шунчаки прогноз эмас. Улар Ўзбекистонга бўлган халқаро ишончнинг ифодаси. Дунё иқтисодиётида ноаниқликлар авж олган бир шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсишни сақлаб қолиши ислохотлар изчиллиги ва халқ меҳнати самарасидир. Бу фақат иқтисодий натижа эмас, балки миллий гурур, янгилик ва ишонч рамзидир.

Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг жорий йилдаги натижалари ҳамда 2026 йил учун белгиланган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Бу фақат статистик ҳисобот эмас, балки янги иқтисодий босқич, янги тафаккур ва янги масъулият сари ташланган қадам сифатида аҳамият касб этади.

Йиғилишда билдирилган рақамлар сўнгги йиллардаги ислохотларнинг ҳаётий самарасини яққол кўрсатмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида иқтисодиётимиз 7,6 фоиз ўсди. Санат соҳасида 6,8 фоиз, қурилиш 14,2 фоиз, қурилиш 14 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида эса 4,1 фоиз ўсиш қайд этилди. Бу натижалар йил бошида



белгиланган прогноз кўрсаткичлардан анча юқори бўлди.

Айниқса, қурилиш ва хизматлар соҳасидаги 14 фоизлик ўсиш мамлакат бўйлаб янгирилган шаҳарлар, қурилатган уй-жойлар, йўللар ва инфратузилмалар, замонавий хизмат марказлари — буларнинг ҳар бири “янги ҳаёт сифатини” шакллантирмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатнинг олтин-валюта захиралари ҳам сўнгги йилда 35 фоиз ўсиб, 55 миллиард доллара етди. Бу ташқи шоклар ва беқарор бозор шароитида иқтисодий ҳавфсизлиқни таъминловчи муҳим омилдир. Захиралар фақат рақам эмас, балки давлатнинг иқтисодий имунитети, келажакка ишончи ва барқарорлиги йўлидир.

Халқаро майдондаги ишонч мустаҳкамланмоқда

Fitch Ratings агентлиги мамлакатимиз суверен рейтингини бир поғонага кўтарди, Moody's ва S&P Global эса ўз прогнозларини “барқарор”дан “ижобий”га ўзгартирди. Булар Ўзбекистон иқтисодиётининг ташқи дунёдаги имижига берилган юқори баҳо, ислохотлар изчиллигининг эътирофи бўлди.

Иқтисодий ўсишнинг энг муҳим мезони унинг халқ ҳаётидаги аксидир. Йиғилишда таъкидланганидек, аҳоли даромадлари 18,4

фоиз, омонатлар 35,3 фоиз, ўртача иш ҳақи эса 19,2 фоиз ўсди. Мазкур кўрсаткичлар ортда ҳаёт сифати, ишонч ва фаол фуқаролик муҳити яққол намоён бўляпти.

Ижтимоий сўровлар ҳам бунга тасдиқлаяпти: аҳоли ва бизнес ўртасида ишонч муҳити мустаҳкамланмоқда, янги иш ўринлари яратилляпти, даромад манбалари кенгаймоқда. Бу иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий моҳиятидир. Чунки ривожланиш рақамларида эмас, балки одамлар ҳаётида, уларнинг юзларидаги ишонч ва ҳаётдан розилик ҳиссида намоён бўлади.

Ҳар бир янги қурилиш майдонида, ҳар бир янги ишлаб чиқариш корхонасида, кичик тадбиркорнинг янги лойиҳасида бу



ўзгаришларнинг изи бор. Бу фақат иқтисодий ўсиш эмас, балки бутун жамиятнинг янги салоҳияти шаклланишидир.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги жорий ўсиш суръати тасодиф эмас, унинг замирида ички эҳтиёткорлик, бозор фаоллиги ва инвестиция муҳити яхшиланиши каби қатор омиллар муважжам. Бугунги кунда ўсишнинг асосий двигателлари ички истеъмол, қурилиш, хизматлар, саноат ва ташқи савдо бўлиб, улар иқтисодиётимизни тубдан янгилайпти.

Ички талаб ўсиши фақат рақамларда эмас, ҳаётда ҳам кўзга ташланмоқда: бозорларда фаоллик ошмоқда, хизмат кўрсатиш соҳалари кенгаймоқда, кичик бизнесда янги

Инфляция масаласи ҳам асосий стратегик йўналиш сифатида белгиланган. 2026 йилда инфляцияни 7 фоиздан оширмалик режалаштирилган бўлса-да, халқаро тажриба кўрсатадики, бундай барқарорликка эришиш учун фискал ва монетар сиёсат ўртасида мувозанатни аниқ сақлаш лозим бўлади.

Иқтисодиётда яширин фаолият улуши, айрим секторларда рақобат муҳити етарлича фаол эмаслиги, хусусий секторнинг тўлиқ ишга тушмаган ҳолатини ҳам ҳали ҳал этилиши керак бўлган ички масалалардир. Бу муаммоларга ечим топиш нафақат иқтисодий, балки институционал ислохотлар даражасида муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда 2026 йил учун қатъий ва аниқ вазифалар белгиланди. Асосий мақсад мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажминин 150 миллиард доллاردан ортқ даражага етказиш ва ўсиш суръатини 6,6 фоиз атрофида ушлаб туришдир. Шу билан бирга, иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, харажатларни тўғри режалаштириш ва самарадорлиқни ошириш, хусусий сектор иштирокини



кенгайтириш, давлат корхоналарида дивиденд сиёсатини қайта кўриб чиқиш, инфратузилма лойиҳаларини тезлаштириш ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларни самарали бошқариш каби устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Энг муҳими, мазкур вазифалар келгуси авлодлар тақдир, мамлакатнинг интеллектуал ва ижтимоий салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, бу режаларни амалга ошириш учун фақат иқтисодий эмас, балки институционал ислохотлар, ижро интизоми ва масъулият маданиятини мустаҳкамлаш талаб этилади. Яъни энди ҳар бир раҳбар, ҳар бир тизим, ҳар бир ҳудуд ўз вазифасига нафақат ҳисобдор, балки жавобгар бўлади.

Ҳар қандай тараққиётнинг юраги — инсоннинг ўзи. Қурилатган бинолар, очилаётган ишлаб чиқариш қувватлари, янги хизмат турлари — буларнинг барчаси фақат ташқи кўринишдир. Иқтисодий ривожланишнинг ҳақиқий ўлчови ҳар бир оила ҳаётида нима ўзгарди, меҳнати қадрланяптими, фарзандлар учун қандай келажак яратилляпти деган саволларга жавобдир.

“Янги Ўзбекистон” модели шу тамойилга асосланади: иқтисод бу — инсон қадрининг ифодаси. Барқарор ўсиш, инвестиция ва ислохотлар фақат бир мақсадга хизмат қилиши керак — инсон ҳаётини яхшилашга. Шу маънода, бу йилги натижалар ва келгуси йил учун белгиланган вазифалар фақат техник ёки молиявий кўрсаткичлар эмас, балки маънавий мажбуриятдир. Бу халқимизга, унинг ишонч ва орзуларига бўлган ваъдadir.

Барқарорлик фақат иқтисодий кўрсаткичларнинг юқорилиги эмас, балки уларнинг ўзгаришларга чидамлилиги, салоҳиятнинг кенгайиши ва энг муҳими, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топишидир. Шунинг учун ҳам тараққиёт фақат иқтисодий вазифа эмас, бу жавобгарликдир.

Узун йўллар ҳам ҳар доим биринчи қадамдан бошланади. Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий тараққиёти сўнгги йилларда ташланган катта қадамлар, муҳим қарорлар ва халқ ишончининг самарасидир. Лекин бу йўлнинг охири ҳали кўринмаган, аксинча, олдинда янги босқичлар, янги мезонлар, янги фикрлаш тарзи кутиб турибди.

Мақсад фақат рақамлар ортидан қувиш эмас. Инсон учун қулай иқтисодиёт, шатини ҳис этган жамият, ҳар бир фуқаро учун имкониятлар яратадиган муҳит бунёд этилляпти. Чунки ҳақиқий ривожланиш одамларнинг ҳаётида сезиларли ўзгариш бўлгандагина маъно касб этади.

Рақамлар бу — фақат майдон. Уларни қандай мазмун билан тўлдириш эса умумий масъулиятдир. Агар ҳар бир раҳбар ва ҳар бир фуқаро шу тўғйи билан иш тутса, Ўзбекистон учун белгиланган мақсадлар фақат иқтисодий ютуқ эмас, балки янгиликни ва маънавий юксалишни белгисига айланади.

Сардор ТОҒИБОЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Замонавий ёндашувлар

# БАРНАХУС МОДЕЛИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?



Хосият РАЖАПОВА,  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги  
бош мутахассиси

Дунё бўйлаб ҳар дақиқада бир неча бола зўравонлик қурбонига айланмоқда. Уларнинг айримлари ҳаётдан қўз юмса, қолганлари эса бутун умр давомида руҳий жароҳат билан яшашга мажбур бўлади. Уларга нисбатан зўравонлик нафақат бола соғлиғига, балки келажакка ҳам путур етказиши.

Ана шундай мураккаб вазиятда бутун жаҳият — давлат идоралари, соғлиқни сақлаш муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳалалар бирлашиб, болага фақат меҳр эмас, балки комплекс ёрдам билан ёндашиши лозим.

Бугун Ўзбекистон Барнахус моделини жорий этиш орқали ана шу муаммони ҳал қилишга қатъий бел боғлаган. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташаббуси билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Зўравонликдан жабрланган болалар учун уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда мультидисциплинар ва идоралараро жавоб бериш хизматлари. Талаблар ва тавсиялар” Ўзбекистон миллий стандарти айнаш шу мақсадга хизмат қилади.

Ушбу ҳужжат зўравонликдан жабр кўрган болаларга идоралараро мувофиқлаштирилган, соҳалараро хизматларни ташкил этувчи Скандинавия



давлатларининг Барнахус модели асосида яратилган зарур талаб ва тавсияларни белгилайди. Бунда жаҳиятда кўрилатган ҳар қандай чора-тадбирда бола манфаатига устувор вазифа сифатида қаралади. Бу ҳуқуқий изламайдиган бўлди. Чунки кластерда юқори технологик тиббий муолажалар амалга ошириляпти. Бу йилга ўртача 14,3 миллиард сўм маблағни тежаш имкони-ни яратди.

—Тиббиёт кластери сабаб ўндан ортиқ йўналиш бир жойга жамланди, — дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Ботир Мамаасатов. — Бу ерда аҳоли орасида тез-тез учраётган юрак ишемик касаллиги, буйрак ва жигар трансплантацияси амалиётлари бажариляпти.

Айни пайтда вилоятдаги тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Ҳозир аҳолига 42 минг 278 шифокор хизмат кўрсатмоқда. Бир вақтнинг ўзиде тиббиёт кластерида заҳира кадрлар тайёрланмоқда. Бу ерда Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали талабалари амалиёт ўтаппти.

Кластер биносиде 300 ўринли тиббиёт маркази, 450 ўринли ўқув хоналари ва конференциялар зали мавжуд. Янги муассаса ишга тушган, сурхонликлар бошқа ҳудудларга бориб шифо изламайдиган бўлди. Чунки кластерда юқори технологик тиббий муолажалар амалга ошириляпти. Бу йилга ўртача 14,3 миллиард сўм маблағни тежаш имкони-ни яратди.

—Тиббиёт кластери сабаб ўндан ортиқ йўналиш бир жойга жамланди, — дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Ботир Мамаасатов. — Бу ерда аҳоли орасида тез-тез учраётган юрак ишемик касаллиги, буйрак ва жигар трансплантацияси амалиётлари бажариляпти.

Айни пайтда вилоятдаги тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Ҳозир аҳолига 42 минг 278 шифокор хизмат кўрсатмоқда. Бир вақтнинг ўзиде тиббиёт кластерида заҳира кадрлар тайёрланмоқда. Бу ерда Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали талабалари амалиёт ўтаппти.


Саломатлик

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аҳолига бирламчи тиббий хизматни янада яқинлаштириб, ўртача умр кўришни узайтириш каби қатор вазифалар белгиланган. Шунингдек, жорий йил 19 майда Президентимизнинг “Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни амалга оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида Сурхондарёда ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, Термиз шаҳрида лойиҳа қиймати 78,7 миллиард сўмлик тиббиёт кластери бунёд этилди.

Кластер биносиде 300 ўринли тиббиёт маркази, 450 ўринли ўқув хоналари ва конференциялар зали мавжуд. Янги муассаса ишга тушган, сурхонликлар бошқа ҳудудларга бориб шифо изламайдиган бўлди. Чунки кластерда юқори технологик тиббий муолажалар амалга ошириляпти. Бу йилга ўртача 14,3 миллиард сўм маблағни тежаш имкони-ни яратди.

—Тиббиёт кластери сабаб ўндан ортиқ йўналиш бир жойга жамланди, — дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Ботир Мамаасатов. — Бу ерда аҳоли орасида тез-тез учраётган юрак ишемик касаллиги, буйрак ва жигар трансплантацияси амалиётлари бажариляпти.

Айни пайтда вилоятдаги тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, соғлом авлодни вояга етказиш борасида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Ҳозир аҳолига 42 минг 278 шифокор хизмат кўрсатмоқда. Бир вақтнинг ўзиде тиббиёт кластерида заҳира кадрлар тайёрланмоқда. Бу ерда Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали талабалари амалиёт ўтаппти.



# ЖАРАЁН

Бугуннинг гапи

Бугунги глобал дунё шиддати, турли мафкуралар тўқнашуви ёш авлодни ўта ҳушёрлик билан тарбиялашни тақозо этапти. Бу ота-оналар, маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, айниқса, таълим ташкилотлари психологлари зиммасига ҳар қачонгидан кўп масъулият юклайди. Тўғри, биргина психологнинг юзлаб, минглаб бола билан ишлаши қийин. Вазифа кўп, индивидуал шуғулланишга ҳамиша ҳам имкон йўқ. Бироқ қандай бўлмасин, тарбияда таъсирчанлиқни ошириш, биргаликда натижадорликка эришиш шарт.

# ТАРБИЯДА ОГОҲЛИК ОШСА БОЛАНИНГ БЎШ ВАҚТИ ДУШМАННИНГ ИШ ВАҚТИГА АЙЛАНМАЙДИ

Зеро, давлатимиз раҳбари қайси соҳа бўйича, қайси мавзуда йиғилиш ўтказмасин, албатта, ёш авлод таълим-тарбиясига эътиборли бўлиш, уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан, ҳам ақлдан баркамол вояга етиши учун барча бирдек жавобгарлигини таъкидлайди.

Охириги маълумотлар республикаимиздаги 10 мингдан зиёд мактабда 10 минг 812 нафар психолог ишлаётганини кўрсатяпти. Уларнинг 1767 нафари амалий психолог, 5780 нафари педагог-психолог. Шу маънода, мактаблардаги психологларнинг сифат таркибини ошириш, уларга қулайликлар яратиш, имтиёзлар бериш бугуннинг долзарб масалаларидан бири.

## Психологлар фаолиятида ҳам КРІ тизими жорий қилинади

Мактаб психологлари бирлашса, катта кучга айланишини шу йил августда бўлиб ўтган республика семинарида кўрдик. Зеро, энг илғор психологларнинг янги ғоялари, янгиқа ёндашувлари бир майдонда жамланди. Бутун бир туманда ҳамкасбларига етакчилик қилаётганлар ўзининг тажрибаси билан ўртоқлашди.

Рақамлашиб бораётган давр болалари билан ишлаш педагог учун ҳам, психолог учун ҳам оғир. Уларнинг дунёқараш, эҳтиёжларини аниқлаш, ижтимоий ва педагогик ёрдам кўрсатиш — буларнинг асосий вазифаси. Бироқ ўқитувчилар орасида ҳам асабини жилволай олмай, педагогга хос бўлмаган хатти-ҳаракатини қилаётганлар учраб турибди. Бу психологлар хизматига эҳтиёжни янада оширади. Шундан келиб чиқиб, соҳа ходимларининг шароитини яхшилаш, касбий салоҳиятини ошириш, амалиётчиларни таълим тизимига жалб этиш ва рағбатлантириш зарур. Сифат таркибини яхшилаш орқали психологлар фаолияти самарадорлигини ошириш, иш услубини янада такомиллаштириш лозим.

Чунки кейинги пайтда фарзанд тарбиясида психологларни ўзига ёрдамчи деб биладиган ота-оналар кўпайди. Бу психологларнинг тажрибаси ва малакасини ошириш, шунингдек, қайта тайёрлаш ҳам зарурлигини кўрсатяпти. Энди малака ошириш курсларида ҳудудий педагогика олий таълим муассасалари мутахассислари тренер сифатида жалб этиш қўзда тутилаётгани мақсадга мувофиқ.

Психологларнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш учун эса КРІ тизими ишлаб чиқилади. Бугун ушбу тизим қайси соҳага татбиқ этилмасин,

ўзини оқлаётганига ғувоҳ бўляпмиз. Мактаб директори ва ўринбосарларига КРІ шаклида ҳар ойлик устама тўлаш тартиби белгилангани ҳам бежиз эмас. Бугун чин дилдан ишлаган, лавозими бўйича белгиланган талабларга жавоб берган ходимлар ҳам раҳмат, ҳам рағбат оляпти. Демак, психологлар фаолиятида



ҳам бу тизим яхши натижа бериши аниқ. Айниқса, ота-она билан ишлашдаги ютуқлар, болани тўғри йўлга солиш, мактабда турли кўнгилсизликлар бўлмаслиги каби кўрсаткичлар уларнинг самарали ишлаётганини кўрсатади. Иш унумдорлиги ортган психолог эса ҳозирги маоши билан қолиб кетмайди, мукофот пули, устамалар олади.

Ақсарият мактаб психологлари қийнаётган бир масала бор — алоҳида хона муаммоси. Аслида, ўзининг хонаси бўлмаган психолог фаолиятини баҳолаш тўғрими? Бу шароитдаги ходимларни бошқалар билан тенглаштириш адолатданди?

— Болалар билан рисоладагидек ишлаш учун алоҳида хона керак, албатта. Агар психолог хизмат учун шароит бўлмаса, боланинг келгиси келмайди, — дейди Андижон шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат психологи Гулноза Ашурова. — Тўғри, кейинги пайтларда жавонимиз зарур китобчалар билан боийб бораппти. Янги ўқув йилини ҳам мукамал илмий-методик қўлланмалар билан бошладик. Бу ўқувчилар учун ҳам, биз учун ҳам манфаатли бўлади. Шунингдек, бундай методик ёрдамлар locomotive сифатида умумтаълим мактаблари психологларига иш ўргатишимизда қўл келади.

## Мактаб ва ота-она ўртасидаги кўприк

Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 156-мактаб амалиётчи психологи Фароғат Шукурова кўплаб ҳамкасбларини ота-оналар билан ишлаш масаласи қийнаётганидан



сўз очди. Масалан, тирикчилик учун чет элга кетаётган айрим ота-оналар болаларини бобо-момоси ва бошқа қариндошларига қолдиради. Муаммолар асосан шундай болалар билан боғлиқ. Тўғри, бу бўйича вазирилик масъул идоралар билан ҳамкорликда ишлайди. Психолог эса ота-она, маҳалла фаоллари билан ҳам ишлаши керак бўлади. Зеро, у кўнгил ўқиб болаларга меҳр бериш, кўнгилни кўтаришга ҳам масъул. Бунинг учун психологнинг ўзи кучли бўлиши зарур. Агар психолог иродоли бўлмаса, бошқаларга даъда беролмайди.

Ота-оналар билан ишларни ташкил этиш бўйича ҳам мукамал дастурлар бериляпти. Жумладан, ота-оналарнинг психологик муаммолари, ёки онланинг мактаб билан муносабатлари ҳақидаги фикрларни ўрганиш учун сўровномалар тайёрланаётир. 18 соатлик махсус курс учун дастур тасдиқланган ва у асосида контент ҳам ишланяпти. Контент ва онлайн курс ягона рақамли таълим ресурслари ва хизматлари порталида жойлаштирилади ҳамда уни ҳар бир психолог ўқиши мумкин. Шунингдек, ягона рақамли таълим ресурслари очик портали яратилди. Портални ота-оналар ҳам кузатиб, фарзанди билан психологик саволларга жавоб бериши мумкин. Зеро, саволларнинг жавоби боланинг феъл-атвори оиди беради.

Чунки Умиджоннинг тузалиб кетишидан деярли умидини узганди. Аммо тиббиётдаги ислохотлар унга қайта умид бағишлади. Жонкуяр ана фарзандига донорлик қилди. Буйрак кўчириш амалиёти Термиздаги тиббиёт кластерида имтиёз асосида ўтказилди. Ҳозир она-боланинг ҳолати кун сайин яхши-ланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 4 октябрь куни “Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини



имзолаган эди. Унга кўра, тиббиёт кластери-га 1 миллиард 938 миллион сўм ажратилиб, олти турдаги тиббий асбоб-ускуна харид қилинди. Натижада травматологияда эндопротезлаш, урологияда эндоурология, торока абдоминал хирургияда мураккаб жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари вилоят филиалларида ҳам юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Натижада урологияда 85-90, нейрорхирургияда 80-85, травматологияда 65-70, хирургия ва кардиологияда 55-60 фоиз бемор вилоятда даволанишига эришилди.

— Тиббиёт кластерида вилоятда илк бор жигар трансплантацияси амалиёти ўтказилди бошланди, — дейди тиббиёт фанлари доктори Жасур Собиров. — Яқинда Тошкентдан

## Халқаро таълим дастури ўзбек тилида бўлади

Мактаб психологлари маҳаллада уйма-уй юриб, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”га қиритилганлар билан ишлаш, ўқувчиларнинг дарсдан кейин бандлигига доир ҳужжатбозликлар каби юктамалар юклатилган. Натижада уларнинг асосий ишлари қолиб кетаётгани ҳақидаги эътирозларга жавобан мутасаддилар психологларга аниқ этиқликлар берилаётганини маълум қилди.

— Таълим ташкилотларида психологик хизматнинг асосий вазифалари — педагоглар ва ўқувчилар жамоасида соғлом муҳит яратиш, уларнинг муаммоларини тизимли ҳал этиш, қўлла-қувватлаш, ўқувчилар ўртасида салбий ҳолатлар вужудга келишининг олдини олишдир. Жумладан, мактаб ёшидаги ўқувчилар эҳтиёжи, руҳий саломатлиги ва фаровонлигига салбий таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, болага нисбатан акс таъсирларни юмшатиш ва ҳал қилишга йўналтирилган сисемани янада такомиллаштиришга бутуннинг долзарб вазифаси сифатида қаралмоқда, — дейди Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика тахшиш маркази директори ўринбосари Машҳурбек Холдоров. — Психолог асосий вазифалари билан машғул бўлса, ўз устида кўпроқ ишлашга ҳам улгуради. Уларга тоифа бериш амалиёти 2025 йилдан бошлаб жорий этилди. Бу орқали мутахассис психологлар ўзининг касбий билиминини синовдан ўтказиб, тоифага эга бўлиши учун имконият яратилди. Бу йилги жараёнларда 3190 нафар мутахассис аттестация синовиде қатнашди. Мутахассис сифатида қатнашганлардан 419 нафарининг тоифаси ошган. Қарийб 80 фоиз психолог қоникарсиз натижа кўрсатган. Навбатдаги аттестация жараёни эса шу йилнинг 7 ноябрида бўлиб ўтади. Психологларимизнинг бу галги натижаларида ижобий ўзгаришлар кузатилади деб умид қиламиз. Зеро, янги ўқув йилидан татбиқ этилган баъзи қулайликлар уларга бу борада ёрдам берган бўлса, ажабмас. Чунки тоифа синовларидан муваффақиятли ўтган психологларнинг касбий билими мустаҳкамланади, ойлик маошига устама қўйилади.

Мутасаддиларнинг айтишича, 3 йил ичида психология йўналишида 14 та педагогика олий таълим муассасасида халқаро таълим дастури ўзбек тилида жорий қилинади. Бу кўплаб психологларни тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Маҳоратли, ўзига ишончи банди ходимлар етарли бўлса, кадрлар кўнимсизлиги ҳам камаяди. Айниқса, пойтахт мактабларида мўқим ишлайдиган психологлар кам. Ҳатто 3000 га яқин ўқувчига эга мактаблар бор. Шу маънода, бундай кадрларнинг КРІ тизими бўйича устама олиши, қўшимча рағбатлантирилиши жуда тўғри тадбир.

## Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

келган шифокорлар билан ҳамкорликда жигар кўчириш амалиётини ўтказдик. Натижа муваффақиятли бўлди. Бундай жарроҳликнинг вилоятда ўтказилиши маҳаллий шифокорлар малакасини оширишга яхши имконият бўлди.

Кластер сабаб тиббиёт марказларининг бир-бирини такрорлайдиган бошқарув ва клиник бўлимлари оптималлашди. Бир хил вазифа бажарадиган кадрларга эҳтиёж камайиб, мутахассислар билан таъминланиш яхшиланади. Тиббиёт муассасаларининг марказлаштиши ҳисобига юқори технология асбоб-ускуналарга талаб камаяди. Бу соҳада харид харажатини қисқартириб, сифатини яхшилади. Сурхондарёдаги тиббиёт кластери сабаб 12 та марказ бир жойда жамланди. Натижада вилоят тиббиёти учун сарф этиладиган маблағдан бир йилда ўртача 14 миллиард 355 миллион сўм тежаш имкони бўлади.

Соҳада шаффофлигини таъминлаш мақсадида электрон ордер тизими йўлга қўйилди. Энди беморлар имтиёзи ордени тўғридан тўғри электрон шаклда оляпти.

— Вилотимизда 51 беморни буйрак ва жигар кўчириб ўтказишга тайёрлаш, лаборатория текшируви учун 765 миллион сўм, дори-дармонга эса 300 миллион сўм ажратилди. Марказда тиббий сугурта йўналиши бўйича иш ташкил этилиб, давлат тиббий сугуртасидан маблағ тушириб берилди, — дейди Давлат тиббий сугурта жағмармаси вилоят бўлими бошлиғи Бобохон Шукуров.

Сурхондарёда 2020 йилда тиббиётга 920,5 миллиард сўм ажратилган эди. Бу кўрсаткич жорий йилда бир неча баробар ошган. Бундан ташқари, ходимларга зарурий шарт-шароит яратиш, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш чоралари қўйилляпти.

## Сарвар ТЎРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ЎзА якуни — 06:45 Топширилди — 06:55

куни — 06:45 Топширилди — 06:50